Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 27 ноябрь 1974 йил, чоршанба № 277 (16.057). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ЎРТОҚ А. Н. КОСИГИН ЛИПЕЦККА КЕЛДИ

ЛИПЕЦК, 25 ноябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ А. Н. Косигин бугун бу ерга келди. Аэродромда уни Новолипецк область партия комитетининг биринчи секретари Г. П. Павлов, механиткашлар депутатлари область совети ижроия комитетининг раиси Н. Д. Новиков, КПСС область комитети бюросининг ва область ижроия комитетининг аъзолари кутиб олдилар.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. А. Тихонов, СССР министрлари И. П. Казанец, В. Ф. Жигалин, Н. В. Голдин, Ф. Б. Якубовскийлар ҳам Липецкка келдилар.

А. Н. Косигин ва бошқа ўртоқлар Новолипецк металлургия заводини бориб кўрдилар. Завод ва «Главлипецкстрой» раҳбарлари иккинчи кислород-конвертор цехини ишга туширишга тайёргарлик тўғрисида гапириб бердилар. Бу цех йилига тўрт миллион тонна пўлат берадиган бўлади. Кейинчалик унинг қуввати икки баравар оширилади. Дастлабки пўлат эритмасини бу ерда муддатидан илгари — 10 декабрда олиш мўлжаллаб қўйилди.

Ўртоқ А. Н. Косигин кучли конверторларни бошқариш учун ўрнатилган электрон техника билан ва пўлатни узлуксиз қуядиган қурилмалар билан танишди. Бундай техника металлургиямизда биринчи марта қўлланилмоқда.

А. Н. Косигин янги цехнинг ошхонасини, маиший хизмат кўрсатиш хоналарини ва клубини кўздан кечирди. У «2000» станида, заводнинг бошқа ишлаб турган цехларида ҳам бўлди. Ўртоқ А. Н. Косигин қурилишда ва заводда металлургларнинг ҳамда қурувчилар билан суҳбатлашди.

СОЦИАЛИЗМ, ДЎСТЛИК ВА ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАН

УЛАН-БАТОРДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

УЛАН-БАТОР, 26 ноябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун ҳукумат уйида Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитети ва МХР Буюк халқ хуралининг МХРП III съездининг ва Монголия Халқ Республикаси эълон қилинганлигининг 50 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси бўлди.

Зал байрам либосида. Саҳна тўридаги зангори пардага МХР герби туширилган. Унинг ёнидаги қизил байроқда икки шонли сана: 1924—1974 саналари ёзиб қўйилган. В. И. Ленин ва Д. Сухэ-Баторнинг скульптура портретлари гулдасталар билан ўралган.

Бу ерда МХРП Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Буюк Халқ хуралининг депутатлари, Монголия ҳукумати аъзолари, партия ва революцион кураш ветеранлари, Монголия Халқ Армиясининг жангчилари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, меҳнат илғорлари, фан ва маданият арбоблари, совет мутахассислари йиғилдилар.

Залда ҳозир бўлганлар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневни, МХРП Марказий Комитетининг биринчи секретари, МХР Буюк халқ хурали Президиумининг Раиси Ю. Цеденбални ўринларидан туриб, узоқ давом этган гулдурос қарсаклар, «Ура!», «Дўстлик!» деган хитоб сўзлари билан кутиб олдилар.

МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХР Министрлар Советининг Раиси Ж. Батмунх, Монголия партияси ва давлатининг бошқа таниқли арбоблари, Совет партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари—КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, КПСС Марказий Комитети аъзоси, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев, КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. Т. Новиков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. В. Архипов, КПСС Марказий Комитети аъзоси, КПСС Иркутск область комитетининг биринчи секретари Н. В. Банников, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, СССРнинг МХРдаги элчиси А. И. Смирнов улар билан бирга президиумдан жой олдилар. КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари: КПСС Марказий Комитетининг аъзоси К. В. Русаков, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси А. М. Александров ҳам шу ерда. КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети миллатлар советининг раиси В. П. Рубен бошчилигида совет жамоатчилиги делегацияси ҳам президиумда ҳозир бўлди.

Мажлисда Улан-Батордаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, монголиялик ва чет эллик журналистлар ҳозир бўлдилар.

Монголия Халқ Республикасининг давлат гимни ижро этилди.

Ю. Цеденбал «Социализм йўлидан ярим аср» мавзуида доклад қилди. Мажлис аҳли уни самимий кутиб олди. (Ўртоқ Ю. Цеденбал доклади иккинчи бетда босилди).

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневга сўз берилади. Мажлис қатнашчилари уни узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар. КПСС ва МХРП шарафига, Монголия—Совет бузилмас дўстлиги шарафига айтилган табрик хитоблари янграйди. (Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқи учинчи бетда босилди.)

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати делегацияга МХРП III съезди ва Монголия Халқ Республикаси эълон қилинган кунининг 50 йиллигини нишонлаш учун машҳур совет ҳайкалтароши В. Мухина ишлаган «Ишчи ва колхозчи аёл» ҳайкалининг нусхасини монгол халқига тақдим этишни топширди, деб айтганида, залда давомли қарсаклар яна бошланди.

Ҳар томонлама қардошларча ҳамкорлигимиз, деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, муштарак меҳнат жараёнида мустаҳкамланди. Ўртоқлар, биз Маркс, Энгельс, Ленин улуғ идеаллари учун курашда янгидан-янги ғалабаларга эришамиз!

Мажлис аҳли бу гапларни ўринларидан туриб, гулдурос қарсаклар билан кутиб олади, «КПСС!», «МХРП!», «Ура!» деб хитоб қилади.

Леонид Ильич Брежнев МХРП III съезди ва Монголия Халқ Республикаси эълон қилинган кунининг 50 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг Монголия раҳбарларига йўллаган табрик мактубини давомли қарсаклар, «Ленин!», «Дўстлик!» деган табрик хитоблари остида Ўртоқ Ю. Цеденбалга топширди.

Сўнгра Ўртоқ Ю. Цеденбал қуйидагиларни айтди: мен КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Леонид Ильич Брежневга Монголия Халқ Республикасининг Фахрий граждани олтин юлдузини ва МХР Буюк Халқ Хурали президиумининг «Монголия Халқ Республикаси Фахрий граждани» деган юксак унвони бериш тўғрисидаги ёрлиғини топширишдек юксак шарафга муяссар бўлдим. Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев Монголия Халқ Республикасининг ғалабаларини ҳимоя қилиш, КПСС билан МХРП ўртасидаги, СССР ва Монголия Халқ Республикаси халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ҳамда ҳар томонлама маҳкам ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш ва кучайтириш ишида, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ҳамда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатини янада жипслаштириш, тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ишида қилган жуда катта хизматлари учун ана шу мукофотни олишга сазовор бўлди.



УЛАН-БАТОР. Монголия Халқ революцион партияси III съезди ва Монголия Халқ Республикаси эълон қилинганлигининг эллик йиллигига бағишланган тантанали қўшма мажлис. Суратда: мажлис президиуми. ТАСС телефотоси.

Ўртоқ Ю. Цеденбал ўртоқ Л. И. Брежневга МХР Фахрий граждани олтин юлдузи ва ёрлиғини топширган ва Леонид Ильични биродарларча қучган пайтда залдагилар ўринларидан туриб, гулдурос қарсак чалдилар.

Ўртоқ Ю. Цеденбал байрам тантаналарида қатнашганликлари учун Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегациясига, шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретарига унинг тантанали мажлисда сўзлаган ёркин ва илҳомбахш нутқи учун ҳамда Монголия Халқ революцион партияси, Монголия ҳукумати шаънига, бутун монгол халқи шаънига айтган илиқ ва самимий сўзлари, яхши истаклари учун чин кўнгилдан ташаккур билдирди.

Ўртоқ Ю. Цеденбал Монголия—Совет дўстлиги жамияти Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланганлиги учун ҳам КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматига самимий ташаккур изҳор қилди.

Ўртоқ Ю. Цеденбал сўзининг охирида бундай деди: биз барча содиқ дўстларимиз ва иттифоқчиларимизни ишонтириб айтамизки, монгол халқи ўз партияси раҳбарлигида бундан буён ҳам улуғ совет халқи билан, бошқа ҳамма социалистик мамлакатлар халқлари билан, ўзининг барча синфдош биродарлари билан дўстлик, бирлик ва жипслиқнинг сиғалган йўлидан, улуғ Ленин кўрсатиб берган йўлдан ўзининг порлоқ истиқболи сари бораверади.

Тантанали мажлиснинг охирида Совет Иттифоқи ва Монголия Халқ Республикасининг давлат гимнлари ижро этилди.

* * *

Тантанали мажлисдан кейин Дўстлик уйида Монголия—Совет дўстлиги жамиятига Халқлар дўстлиги ордени топшириш маросими ўтказилди. Бу жамият Монголия Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасида дўстлик ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш соҳасидаги катта хизматлари учун шу ордени олишга сазовор бўлди.

Совет партия-ҳукумат делегациясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев жамиятга юксак мукофотни топширди.

Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХР Буюк Халқ Хурали президиуми Раисининг биринчи ўринбосари, Монголия—Совет дўстлиги жамияти марказий кенгаши президиумининг раиси С. Лувсан жавоб нутқи сўзлади.

* * *

Кечқурун давлат опера ва балет театрида Монголия санъат усталари катта байрам концерти қўйиб беришди.

Ғоят муваффақиятли ўтган концертда КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари, МХРП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Буюк Халқ Хурали президиумининг Раиси Ю. Цеденбал, МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХР Министрлар Советининг Раиси Ж. Батмунх, МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва Сиёсий бюро аъзолигига кандидатлар ҳозир бўлдилар.

Залдагилар Л. И. Брежнев ва Ю. Цеденбал ўртоқларни самимий табриклашдилар.

БАЙРАМ ҚАБУЛ МАРОСИМИ

УЛАН-БАТОР, 26 ноябрь. (ТАСС). МХРП Марказий Комитети, МХР Буюк Халқ Хурали ва Министрлар Совети МХРП III съездининг ва Монголия Халқ Республикаси эълон қилинганлигининг 50 йиллиги муносабати билан бугун тантанали қабул маросими ўтказдилар.

Қабул маросимида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, Совет партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари, МХРП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, МХР Буюк Халқ Хурали президиумининг Раиси Ю. Цеденбал, МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар, МХР ҳукуматининг аъзолари, Монголиянинг бошқа таниқли партия ва давлат арбоблари, партия ветеранлари ва революцион кураш ветеранлари, Монголия Халқ армиясининг ҳарбий бошлиқлари, меҳнат илғорлари, маданият ва фан арбоблари, совет мутахассислари бор эди.

Л. И. Брежнев билан Ю. Цеденбал ўртоқлар қадаҳ кўтариб, дўстона нутқ сўзладилар.

Қабул маросими самимий вазиятда ўтди.

УЛАН-БАТОР. Ю. Цеденбал Л. И. Брежневга «МХР фахрий граждани олтин юлдузи»ни тақдим этмоқда. ТАСС телефотоси.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

МОНГОЛИЯ—СОВЕТ ДЎСТЛИГИ ЖАМИЯТИНИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Монголия Халқ Республикаси билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш соҳасидаги катта хизматлари учун **Монголия—Совет дўстлиги жамияти Халқлар дўстлиги ордени** билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1974 йил, 25 ноябрь.

СОВЕТ—МОНГОЛИЯ ДЎСТЛИГИ МИТИНГИ

Монголия тинчлик ва дўстлик ташкилотлари федерацияси ҳамда Монголия—Совет дўстлиги жамиятининг Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган делегацияси 25 ноябрь куни пойтахтнинг Черёмушки районида меҳмон бўлишди. Меҳмонлар район партия комитетида бўлдилар, районнинг янги қурилишлари билан танишдилар. «Улан-Батор» кинотеатридаги доимий фотовиставкани кўздан кечирдилар. Улар СССР Фанлар академияси бошқариш проблемалари институтига бордилар. Бу ерда Совет—Монголия дўстлигига бағишланган митинг бўлиб ўтди.

Монголия делегациясининг бошлиғи, МХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, МХР парламент группасининг раиси, жамият марказий кенгаши президиуми раисининг ўринбосари Д. Цэвэгмид митингда нутқ сўзлаб, Ленин ва Октябрь мамлакати билан дўстлик ва ҳамкорлик янги Монголия меҳнаткашлари учун ғоят қимматли ғалабадир, деди. Монгол халқи ўзининг ҳозирги куни ва бундан ҳам гўзалроқ келажаги учун Совет Иттифоқининг бегараз ёрдами, қардошларча дўстлиги ва ҳамкорлигидан миннатдордир. Монгол халқи ана шу буюк дўстликни кўз қорачиғидек асрайди. Д. Цэвэгмид КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегациясининг юбилей тантаналарида қатнашуви мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихида янги саҳифа очади, деб ишонч билдирди.

Митингда МХРнинг СССРдаги элчиси Х. Банзрагч ҳозир бўлди. (ТАСС).

САМИМИЙ ТАШАККУР

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ ЖЕРАЛЬД Р. ФОРД КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ Л. И. БРЕЖНЕВГА ТЕЛЕГРАММА ЙЎЛЛАДИ

Телеграммада бундай дейилади: Сиз ва Владивосток аҳолиси мени ва ҳамроҳларимни самимий меҳмондўстлик билан кутиб олганлигингиз учун Сизга ва ишдаги ўртоқларингизга чин кўнгилдан ташаккур изҳор қиламан. Бизнинг музокараларимиз ва хусусан стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги қўшма баёнотимиз Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи ер юзида тинчлик ишига содиқ эканликларини яна бир марта тасдиқлайди. Мен бу ишни Сиз билан биргаликда давом эттириш ниятидаман ва Сизни 1975 йилда Қўшма Штатларда табриклаб кутиб оламан. Сизга ва Совет Иттифоқининг халқига ўзимнинг энг яхши истакларимни йўллайман.

(ТАСС).

МЕҲМОНДЎСТЛИК УЧУН МИННАТДОРЧИЛИК

АҚШ Давлат секретари Г. Киссинжер СССР ташқи ишлар министри А. А. Громикога телеграмма юборди. У телеграммасида Владивостокда олий даражада ўтказилган учрашув чоғида кўрсатилган меҳмондўстлик учун миннатдорчилик изҳор қилди. Президент Форд билан Бош секретарь Брежневнинг бу учрашуви мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги бир босқич бўлганлигига аминман, деб таъкидланади телеграммада. Учрашув Совет — Америка муносабатларини янада яхшилашда муҳим қадам бўлди ва бутун дунёда тинчлик ишига хизмат қилди.

(ТАСС).

ҚИРҒИЗ ТИЛИДА

ФРУНЗЕ, 25 ноябрь. (ТАСС). «Қирғизистон» нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқлари ва мақолалари тўпламининг «Ленин йўлидан» деб аталган тўртинчи томини қирғиз тилида босмадан чиқарди. Тўпламга ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1972 — 1974 йилларда сўзлаган нутқлари ва докладлари киритилган.

СССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА КЕНГАШ

СССР Ички ишлар министрлиги раҳбар ходимларининг 25 ноябрь куни Москвада очилган Бутуниттифоқ кенгаш-семинари мамлакат ички ишлар органларининг иш якунларига ҳамда 1975 йилда ҳуқуқ-тартиботни ва социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш вазифаларига бағишланди.

СССР ички ишлар министри генерал-полковник Н. А. Шчелоков кенгаш қатнашчилари ҳузурида доклад қилди. (ТАСС).

СОЦИАЛИЗМ, ДЎСТЛИК ВА ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАН

Ўртоқ Ю. ЦЕДЕНБАЛ доклади

Монголия Республикасининг ярим асрлик байрами, деди ўртоқ Ю Цеденбал, бутун монгол халқининг шонли юбилейидир, монгол халқи фидокорона кураши ва қаҳрамонона меҳнатининг байрамидир, монгол ва совет халқлари, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари халқлари бузилмас дўстлигининг байрамидир.

Орамизда КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари, монгол халқининг қалин ва самимий дўсти ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси ҳозир бўлганлигидан беҳад хурсандмиз. Бу ҳол байрамимизга янада кўпроқ қувончли, тантанали тус бахш этади.

Партия Марказий Комитети ва МХР ҳукумати номидан, шу ерда ҳозир бўлган кишилар ва мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари номидан Совет партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи, КПСС ва Совет давлатининг синалган раҳбари, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун толмас қурашчи, садоқатли ва матонатли марксчи-ленинчи азиз ўртоқ Леонид Ильич Брежневни самимий табриклашга ижозат бергайсизлар.

Ўртоқ Ю. Цеденбал МХРга келган Совет партия-ҳукумат делегациясининг аъзоларини, шунингдек совет жамоатчилиги делегациясини қизғин табриклайди.

Биз Советлар мамлакатининг вакиллари сиймосида Улуғ Ленин партияси—КПССга, Совет ҳукуматига ва Совет Иттифоқининг қардош халқларига оташин салом ҳамда коммунистик жамият қурилишида, тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун курашда янги катта муваффақиятлар тилаб энг яхши истакларимизни йўллаймиз, деб таъкидлади Ю. Цеденбал.

Совет партия-ҳукумат делегациясининг ва шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг юбилей тантаналаримизда қатнашаётганлиги монгол ва совет халқлари ленинча дўстлигининг, МХРП ва КПСС, МХР ва Совет Иттифоқи бирлиги ҳамда қардошлигининг янги ифодаси бўлиб хизмат қилади. Бу завқ-шавқли, тарихий воқеа монгол-совет ўзаро муносабатлари йилномасига олтин саҳифа бўлиб киради. Бу воқеа мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш, бутун социалистик ҳамдўстлик бирлигини кучайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш ишига шубҳасиз катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Монголия халқ революцияси тарихида, деб сўзини давом эттирди докладчи, МХРПнинг 1924 йил августида бўлиб ўтган III съезди алоҳида ўрин олади. Бу съезднинг буюк тарихий аҳамияти шундан иборатки, у марксча-ленинча таълимот асосида монгол халқи социал тараққиётининг бош истиқболини белгилаб берди. Монголияни феодализмдан капиталистик ривожланиш босқичини четлаб, социализмга ўтказиш йўлидан ривожлантириш сиёсатини ишлаб чиқди.

Ўз фаолиятларида марксча-ленинча таълимотга асосланиб келаётган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Монголия Халқ революцион партияси Монголиянинг меҳнаткаш аратлари билан Совет Иттифоқининг ишчилар синфи ўртасида иттифоқ ва дўстлик ўрнатиш ҳамда шу иттифоқ ва дўстликни ривожлантириш ишида бағоятда бир халқ, ажойиб кўприк бўлдилар.

Бизнинг тажрибамиз шуни кўрсатдики, монгол ва совет халқларининг иттифоқи ҳамда дўстлигини мустаҳкамламай туриб, биринчи социализм мамлакатининг меҳнаткаш монгол халқига ҳар томонлама мадади ва ёрдамисиз Монголия халқ революциясининг ғалабасига ҳам, уни янада ривожлантиришда муваффақиятларга ҳам эришиб бўлмас эди, социализм ва халқларнинг миллий озодлик кураши кучлари ўртасидаги иттифоқни мустаҳкамлаш ғоят катта халқаро аҳамиятга эга бўлиб келди ва ҳозирги вақтда ҳам шундай аҳамиятга эга бўлиб турибди. Коммунистик ва ишчи партияларнинг 1969 йилги халқаро кенгаши бундай деб таъкидлади: «Социалистик система, ишчилар ва миллий озодлик ҳаракати ўртасидаги иттифоқни мустаҳкамлаш антиимпериалистик курашнинг истиқболи учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир».

Монголия Халқ Республикаси эълон қилинганлиги ва унинг биринчи конституцияси қабул этилганлиги, деди сўзини давом эттириб докладчи, феодализмдан социализмга ўтиш даврининг мураккаб ва хилма-хил вазифаларини ҳал этиш йўлидаги энг катта босқич бўлди.

Шу ўтиш даври мобайнида, деб таъкидлади Ю. Цеденбал, революция халқнинг асрий иқтисодий, сиёсий ва маданий қолоқлигини тугатиш, капитализмни четлаб асосан социализмга ўтиш учун шарт-шароит яратиш тадбирларини босқичма-босқич, қадам-бақадам амалга ошира борди.

Докладда яна бундай дейилган: гитлерчилар фашизми ва япон милитаризми тор-мор этилганлиги, бунда Совет Иттифоқи ҳал қилувчи роль ўйнаганлиги, янги халқ демократик давлатлари тузилганлиги МХРда социализм қуриш учун қулай халқаро шароитларни яратди. МХР шу қулай шароитлардан фойдаланиб, 1948 йилдан бошлаб халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантиришга киришди. Мавжуд саноатни янада ривожлантириш ва янги саноат тармоқларини барпо этиш асосида саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш муттасил қўпайди. Саноатнинг ялпи маҳсулоти 1960 йилда 1940 йилга нисбатан 5,4 баравар қўпайди.

Якка арат хўжаликларини социалистик негизда кооперациялаш тугаллангач социализмгача бўлган ҳамма иқтисодий укладлар тугатилди, мамлакатда ягона социалистик экономикани вужудга келтириш таъминланди.

МХР 60-йиллардан бошлаб ўз тараққиётининг янги даврига — социалистик жамият қурилишни тугаллаш даврига қадам қўйди. Бу даврнинг асосий мазмуни—социализмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш жараёнини бутун чоралар билан ривожлантириш ва тугаллашдан иборат. Энг муҳим вазифа шуки, экономиканинг индустриал-аграр структурасини вужудга келтириш, Монголия Халқ Республикасини индустриал-аграр мамлакатга айлантириш керак.

Монгол халқи ўз партиясининг раҳбарлигида, Совет Иттифоқининг ва бошқа қардош социалистик мамлакатларнинг интернационал ёрдами билан бу вазифани ҳал этиш соҳасида тобора жуда муҳим муваффақиятларга эришмоқда. Кейинги уч беш йиллик мобайнида кўмир, электр энергетика, кон-руда, металл ишлаш, бинокорлик материаллари, ёғочсозлик, кўнчилик, пойафзал, тўқимачилик, гўшт-сут саноати, тегирмон ва социалистик саноатнинг бошқа тармоқлари тез суръатлар билан ривожланганлиги буни исбот қилади. 1961—1973 йиллар мобайнида саноатнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари 4,7 баравар қўпайди, саноат ишлаб чиқаришнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳажми эса 2,4 баравар ортди. Шу беш йилликнинг дастлабки уч йилида саноатнинг ялпи маҳсулоти перспектив планда белгиланган 29,9 процент ўрнига 33,6 процент ўсди. Транспорт барча турларининг асосий ишлаб чиқариш фондлари 1973 йилда 1940 йилдагига нисбатан 35,7 баравар қўпайди.

Ишчилар синфининг миқдор составви ўсмоқда, унинг жамиятимизнинг етакчи ижтимоий-сиёсий кучи сифатидаги роли ва аҳамияти ошиб бормоқда, деди ўртоқ Ю. Цеденбал.

Сўнгра докладчи кейинги ўн йил ичида партия ва ҳукумат қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш соҳасида қилган жуда катта ишлари ҳақида гапирди.

У айтдики, Монголияда халқ ҳокимияти йилларида маданий революцияни амалга ошириш йўлида жуда кўп иш қилинди. Маданий революция халқнинг маънавий ҳаётида туб ўзгаришлар ясади, мамлакатнинг маданий қиёфасини, кишиларнинг турмуши ва тафаккурини тубдан ўзгартириб юборди. Ҳозирги вақтда ҳар 10 минг кишига умумий ўрта мактабларнинг 2.158 ўқувчиси, олий ўқув юртлари ва техникумларнинг 157 студенти тўғри келади. Ҳозирги вақтда республикада ҳар тўрт кишининг бири бирон ўқув юртида таълим олмоқда. Монголия Халқ Республикаси ана шу кўрсаткичлар бўйича тараққий этган кўпгина капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетди.

Жаҳондаги биринчи социализм мамлакати— улуғ Совет Иттифоқи билан қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш натижасида, деб таъкидлади ўртоқ Ю. Цеденбал, Монголиянинг феодализмдан социализмга ўтиши каби тарихий даврни муваффақиятли суратда амалга ошириш ва Монголиянинг социалистик қурилишни тугаллаш йўлидан тобора ривожланиши учун имконият туғилди. Совет Иттифоқи иқтисодий, маданий, илмий-техникавий ҳамкорлик ва бошқа хилдаги ҳамкорлик соҳасида бизнинг мамлакатимизга ҳамиша энг фойдали шартлар билан ёрдам бериб келди. Бу эса улуғ индустриал давлат билан кичик давлат ўртасидаги ҳуқуқий жиҳатдан тенг бўлган қардошларча ўзаро муносабатларнинг чиғ намунасидир.

Ўртоқ Ю. Цеденбал Монголия Халқ Республикасида социалистик жамият қурилишида, монгол халқининг фаровонлигини оширишда доим чинакам қардошларча ёрдам ва мадад бериб келаётганлиги учун МХРП Марказий Комитети, МХР ҳукумати ва барча меҳнаткашлари номидан улуғ Ленин партиясига, Совет ҳукуматига ва бутун қаҳрамон совет халқига чин кўнгилдан ташаккур изҳор қилди.

Биз зўр мамнуният билан шуни қайд қиламизки, деб таъкидлади докладчи, Монголия—Совет муносабатлари ўз тараққиётида ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси 1966 йилда расмий дўстлик визити билан МХРга келган вақтда дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида МХР билан СССР ўртасида тузилган битим имзоланган пайтдан буён сифат жиҳатидан янги босқичга қадам қўйди.

Монголиянинг меҳнаткаш халқи, деди ўртоқ Ю. Цеденбал, Монголия—Совет дўстлиги, бошқа социалистик мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва қардошликнинг муқаддас байроғига чексиз содиқ бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Биз социалистик мамлакатларнинг бирлигини доим мустаҳкамлашни, сиёсий, иқтисодий илмий-техникавий ва маданий соҳада ҳамда бошқа соҳаларда улар билан мустаҳкам ҳамкорликни янада кенгайтириш ва кучайтиришни ўзимизнинг интернационал бурчимиз деб биламиз.

Бизнинг партиямиз мамлакатимизнинг бошқа социалистик давлатлар билан, аввало Совет Иттифоқи билан иқтисодий жиҳатдан тобора кўпроқ яқинлашуви ва сиёсий жиҳатдан яқинлашуви негизида, улар билан хўжалик алоқаларини ҳар томонлама кенгайтириш ва кучайтириш негизида МХРда социализм қурилишини тугаллаш, унинг иқтисодий даражасини бошқа қардош мамлакатлар даражаси билан тенглаштириш соҳасидаги программ вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш мумкин деб ҳисоблайди.

Ҳозирги кунда, деб уқтириб ўтди ўртоқ Ю. Цеденбал, социализм, демократия ва тараққиёт кучларининг позициялари ҳар қачонгидан кўра кўпроқ мустаҳкамланди, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати сафлари янада маҳкам жипслашди, жаҳон тараққиётининг боришига ҳал қилувчи таъсир ўтказаётган жаҳон социалистик ҳамдўстлигининг қудрати мислсиз мустаҳкамланди. Ленинчи коммунистлар партияси — КПСС ва улуғ Советлар мамлакати бу соҳада ҳамиша етакчилик ролини бажариб келди ва бажармоқда. Улуғ Советлар мамлакати ярим асрдан кўпроқ вақтдан буён тинчлик ва социализм ишининг тантанаси учун собитқадамлик ва зўр ғайрат билан кураш олиб бормоқда, инсониятга порлоқ истиқбол йўлини комил ишонч билан очиб бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти лауреати ўртоқ Леонид Ильич Брежнев жаҳон социализмининг бирлиги ва қудратини янада мустаҳкамлашда, тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашда шахсан жуда катта хизмат қилмоқда.

Монголия Халқ Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасидаги, марксчи-ленинчи партияларимиз ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама самарали ҳамкорликнинг тобора ўсиб, мустаҳкамланаётганлиги Леонид Ильич Брежневнинг номи билан боғланган.

Мен шу муътабар минбарда туриб қуйидагиларни хабар қилишимдан жуда хурсандман. МХР Буюк халқ хурали президиуми КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг монгол халқи қўлга киритган социалистик ғалабаларни ҳимоя қилиш ва кўпайтириш, КПСС билан МХРП ўртасидаги, СССР билан МХР халқлари ўртасидаги дўстлик ва қардошлик муносабатларини мустаҳкамлаш ишида, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ва халқаро коммунистик ҳамда ишчилар ҳаракатини янада жиплаштириш, тинчликни ва умумий хавфсизликни мустаҳкамлаш ишидаги жуда катта хизматларига юксак баҳо бериб, Леонид Ильич Брежневга «Монголия Халқ Республикасининг фахрий граждани» деган юксак унвони бериш ва унга «МХР фахрий граждани олтин юлдузи»ни топшириш ҳақида қарор қабул қилди.

Биз Л. И. Брежневга «Монголия Халқ Республикасининг фахрий граждани» унвони берилиши билан монгол халқининг ўзининг содиқ дўсти, қаҳрамон совет халқига, унинг ленинчи партиясига ва Совет ҳукуматига самимий муҳаббат ва юксак ҳурмат туйғуларини изҳор қиламиз, деди Ю. Цеденбал. Бу— халқларимиз ва мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкамланиб бораётган бузилмас дўстлик ва қардошларча иттифоқнинг ифодаси, азиз Леонид Ильич, планетамиздаги барча меҳнат аҳлининг бахт-саодати ва фаровонлиги йўлида бажараётган олижаноб, самарали фаолиятингизга МХР меҳнаткашларининг умумхалқ миннатдорчилиги ифодаси ҳамдир.

Азиз ўртоқ Брежнев, дейди докладчи, сизга чин қўнгилдан сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва социализм ҳамда коммунизм ишининг тантанаси йўлида, ер юзида мустаҳкам тинчлик ўрнатиш йўлида ҳормай-толмай бажараётган жуда катта ишларингизда янгидан-янги буюк муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Монголия Халқ Республикаси социал тараққиётнинг ярим асрлик йўлини босиб ўтди ва эндиликда бутун жаҳонга яшнаб турган, тинчликсевар социалистик давлат сифатида намоён бўлмоқда. Монголия Халқ Республикаси халқаро муносабатлар системасида муносиб ўринни эгаллаб турибди, жаҳон халқлари ўртасида обрў-эътибор ва иззат-ҳурматга сазовор бўлди.

МХР Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда ҳаракат қилиб, чуқур халқчил, синфий ташқи сиёсатни изчиллик билан амалга ошириб келмоқда, Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқда.

Сўнгра Ю. Цеденбал бундай деди: жаҳонда кучлар нисбатининг социализм фойдасига ўзгарганлиги, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг актив, изчил тинчликсевар сиёсати, уларнинг тинчлик манфаатлари йўлида бамаслаҳат келишиб олиб, собитқадамлик билан амалга ошираётган тадбирлари халқаро вазиятни умуман соғломлаштириш йўлида тубдан бурилиш ясаш учун объектив имкониятларни вужудга келтирди. Ҳозирги кунда халқаро кескинликнинг юмшатилиши жаҳон тараққиётининг белгиловчи омили-бўлиб қолди.

КПСС XXIV съезди қабул қилган конструктив Тинчлик программаси умумий тинчликни мустаҳкамлаш ва халқларнинг тинчлик йўлидаги курашини кучайтиришнинг жуда муҳим омили бўлиб қолди. Социализм мамлакатлари бирлиги ва ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик ишини, ҳаётимизнинг барча меҳнат аҳлининг бахт-саодати ва фаровонлиги йўлида бажараётган олижаноб, самарали фаолиятингизга МХР меҳнаткашларининг умумхалқ миннатдорчилиги ифодаси ҳамдир.

Азиз ўртоқ Брежнев, дейди докладчи, сизга чин қўнгилдан сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва социализм ҳамда коммунизм ишининг тантанаси йўлида, ер юзида мустаҳкам тинчлик ўрнатиш йўлида ҳормай-толмай бажараётган жуда катта ишларингизда янгидан-янги буюк муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Монголия Халқ Республикаси социал тараққиётнинг ярим асрлик йўлини босиб ўтди ва эндиликда бутун жаҳонга яшнаб турган, тинчликсевар социалистик давлат сифатида намоён бўлмоқда. Монголия Халқ Республикаси халқаро муносабатлар системасида муносиб ўринни эгаллаб турибди, жаҳон халқлари ўртасида обрў-эътибор ва иззат-ҳурматга сазовор бўлди.

МХР Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда ҳаракат қилиб, чуқур халқчил, синфий ташқи сиёсатни изчиллик билан амалга ошириб келмоқда, Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқда.

Сўнгра Ю. Цеденбал бундай деди: жаҳонда кучлар нисбатининг социализм фойдасига ўзгарганлиги, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг актив, изчил тинчликсевар сиёсати, уларнинг тинчлик манфаатлари йўлида бамаслаҳат келишиб олиб, собитқадамлик билан амалга ошираётган тадбирлари халқаро вазиятни умуман соғломлаштириш йўлида тубдан бурилиш ясаш учун объектив имкониятларни вужудга келтирди. Ҳозирги кунда халқаро кескинликнинг юмшатилиши жаҳон тараққиётининг белгиловчи омили-бўлиб қолди.

КПСС XXIV съезди қабул қилган конструктив Тинчлик программаси умумий тинчликни мустаҳкамлаш ва халқларнинг тинчлик йўлидаги курашини кучайтиришнинг жуда муҳим омили бўлиб қолди. Социализм мамлакатлари бирлиги ва ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик ишини, ҳаётимизнинг барча меҳнат аҳлининг бахт-саодати ва фаровонлиги йўлида бажараётган олижаноб, самарали фаолиятингизга МХР меҳнаткашларининг умумхалқ миннатдорчилиги ифодаси ҳамдир.

Азиз ўртоқ Брежнев, дейди докладчи, сизга чин қўнгилдан сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва социализм ҳамда коммунизм ишининг тантанаси йўлида, ер юзида мустаҳкам тинчлик ўрнатиш йўлида ҳормай-толмай бажараётган жуда катта ишларингизда янгидан-янги буюк муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Монголия Халқ Республикаси социал тараққиётнинг ярим асрлик йўлини босиб ўтди ва эндиликда бутун жаҳонга яшнаб турган, тинчликсевар социалистик давлат сифатида намоён бўлмоқда. Монголия Халқ Республикаси халқаро муносабатлар системасида муносиб ўринни эгаллаб турибди, жаҳон халқлари ўртасида обрў-эътибор ва иззат-ҳурматга сазовор бўлди.

МХР Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда ҳаракат қилиб, чуқур халқчил, синфий ташқи сиёсатни изчиллик билан амалга оширили

СОЦИАЛИЗМ, ДЎСТЛИК ВА ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАН

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ҳурматли ўртоқ Цеденбал!
Ҳурматли Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг аъзолари!
Ҳурматли Буюк Халқ Хуралининг депутатлари!
Азиз дўстлар!

Бугун биз ғоят катта санани нишонлаяпмиз. Бундан эллик йил муқаддам монгол халқи ўзининг революцион партияси раҳбарлигида Монголия Халқ Республикасини барпо этди, янги, социалистик турмуш учун курашда Совет Иттифоқи халқлари билан бир сафга ўтди.

Сизларнинг ярим асрлик тажрибангиз революцион фикр ва ҳаракатнинг катта ғалабаси бўлди. В. И. Ленининг капитализмни четлаб, социализмга ўтиш тўғрисидаги ғояси реал эканлиги бир қанча Совет Республикаларида бўлгани каби, айни шу ерда, сизларнинг диёрингизда ҳам рўёбга чиқди. Бу — жаҳон ижтимоий ривожланиши жараёнига монгол коммунистлари, монгол халқининг қўшган жуда катта ҳиссаси бўлди.

МХРП III съезди мамлакат ривожининг бош йўлини — социализм йўлини белгилаб берган пайтдан бўён орадан эллик йил вақт ўтди. Монгол коммунистлари съезд ўртага қўйган тарихий вазифани ҳал этар эканлар, ҳамиша умумий иш учун юксак масъулиятни англаб турганликларини намойиш қилдилар, социализм манфаатларини, унинг дунёдаги позицияларини астойдил ҳимоя қилдилар.

Шу боисдан ҳам, азиз ўртоқлар, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг халқлари, марксизм-ленинизм идеаллари учун социал тараққиёт учун барча курашчилар сизларнинг шонли юбилейингизни муштарак, интернационал байрам деб билаётганлари мутлақо табиийдир.

Шу тантанали кунда сизлар билан бирга бўлиш биз, Советлар мамлакатининг вакиллари учун зўр қувонч бахш этади. Республика ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан монгол халқини, монгол коммунистларини КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати номидан, бутун халқимиз номидан қизғин ва самимий муборакбод этамиз. Биз социалистик қурилишнинг етакчи кучи — ўсиб бораётган монгол ишчилар синфини, индустрияни юксалтираётган, табиий бойликларни қидириб топиб, халқ хўжалигига хизмат қилдираётган, мамлакатнинг янги қиёфасини вужудга келтираётган барча кишиларни табриклаймиз.

Биз Монголиянинг меҳнаткашларига, қишлоқ хўжалигини ривожлантириб, мамлакат иқтисодиётини анъанавий ва жуда муҳим тармоғини янги погонага кўтараётган барча кишиларга салом йўллаймиз.

Биз монгол эпилларини, монгол фанини ривожлантираётган, янгидан-янги маданий бойликлар яратаётган, ёш авлодга таълим ва тарбия бераётган кишиларни, одамларнинг сиҳат-саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилаётган кишиларни табриклаймиз.

Азиз дўстлар! Биз ҳозиргина Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Буюк Халқ Хурали президиумининг Раиси ўртоқ Ю. Цеденбалнинг чуқур мазмунли, ёрқин, ишонарли фактларга бой докладини тингладик. Кўз ўнгимизда монгол халқининг феодализм нишанларидан халос бўлиш йўлида, ўз мустақиллигини қарор топтириш йўлида, бутун жамиятнинг турмуш шароитларини тубдан яхшилаш йўлида олиб борган курашининг жонли тарихи намоён бўлди.

Докладдан шу нарса кўриниб турибдики, сиз, ўртоқлар, социализмни барпо этишнинг жуда муҳим ва айтиш мумкинки, энг қийин босқичидан ўтдингиз, ўтганда ҳам муваффақиятли ўтдингиз.

Монгол коммунистлари мамлакат қишлоқ хўжалигида рўй берган чуқур ўзгаришларни мамнуният билан қайд қилаётганликлари бизга тушунарли. Ота-боболари ерни севиб келган ҳаётий меҳнат кооперативларига бирлашиб, энг янги қишлоқ хўжалик машиналарини, чорвачилик ва деҳқончиликнинг замонавий технологиясини эгаллаб олмоқдалар.

Шу билан бирга, мамлакатингиз йирик саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш соҳасида анчагина тажриба тўплади. Индустриал Дархан, Эрдэнэтдаги янги кон-саралаш комплекси, Шарин-Голдаги кўмир конлари ҳозир сизларнинг ифтихорингиз бўлиб қолди.

Илм-фан ривожланганлиги, миллий социалистик маданият равнақ топганлиги тўғрисида Халқ Монголиясининг яна бир улкан ғалабаси сифатида алоҳида гапириб ўтмоқчиман. Мамлакатда халқ орасидан етишиб чиққан зиёлиларнинг катта отряди камол топди. Монгол олимларининг қўпгина тадқиқотлари қўпчиликка маълум бўлди, уларнинг ишини Монголия Фанлар академияси йўллаб ва бирлаштириб турибди. Соғлиқни сақлашда ва маорифда чинакам революция рўй берди.

Монголлар диёридаги ҳамма ана шу ажойиб муваффақиятларга, шу улуғвор ўзгаришларга қувонмай бўладими, ахир!

Монголиянинг барча дўстлари монгол коммунистлари олиб борган жуда катта ижодий ишни зўр ҳурмат ва ўртоқларча ҳайриҳоҳлик билан кутиб олмоқдалар. Партия социализмни жонажон ҳаёт иши деб биладиган одамлар авлодини, онгли ва фаол, чин ватанпарвар ва интернационалист одамлар авлодини тарбиялаб вояга етказди. Партия мамлакат билан бирга ўсиб улғайди, меҳнаткашларнинг энг яхши намояндаларини ўз сафига қабул қила берди. Социализм учун курашнинг ҳамма босқичларида унинг сиёсати халққа, халқ манфаатларига хизмат қилишга бўйсундирилди. Бу — Монголия Халқ революцион партияси юксак обрў-эътиборининг, монгол халқи содиқ фарзанди, жаҳон коммунистик ҳаракатининг таниқли арбоби ўртоқ Ю. Цеденбал бошчилигидаги партия Марказий Комитети юксак обрў-эътиборининг асосидир.

Азиз дўстлар! Бугун Монголия ҳаётидаги катта санани байрам қилар эканмиз, биз соф виждон билан айта оламизки, мамлакатларимизнинг халқлари ҳамиша ва ҳар ишда яқдил бўлиб яшаб келдилар, қардошларча бир-бирларига ёрдам бериб келдилар.

Дўстлигимиз қийнчилик ва шонли саҳифалар кўп. Аммо ҳамиша бўлганидек, Владимир Ильич Ленин билан монгол революциясининг довюрак йўлбошчиси Сухэ-Баторнинг тарихий учрашуви тўғрисидаги хотира ҳаммамизга айниқса азиздир. Биз ёнма-ён туриб босиб ўтган катта йўл шу учрашувдан бошланган эди.

Монголия даштларида барон Унгернинг оқ гвардиячи тўдаларига қарши биргаликда олиб борилган жанглар ҳеч қачон эсдан чиқмайди. Халхин-Гол қаҳрамонона эпопеясини ҳам асло унутмаймиз, ўшанда совет ва монгол жангчилари монголлар диёрига ҳамла қилишга ўринниб кўрган япон милитаристларига қақшатқич зарба берган эдилар. 1945 йилда мамлакатларимизнинг солдатлари Хитойнинг каттагина қисмини босиб олган империалистик Квантун армиясини ёнма-ён туриб тор-мор қилдилар. Осиё халқларининг озодлик курашига қудратли мадад бердилар.

Совет кишилари янги турмуш қуришда монгол қардошларига ёрдам бермоқдалар. Монголиялик ўртоқлар ҳам бизга ёрдам бермоқдалар. Биз ошиб-тошиб кетганимиздан бундай ўзаро ёрдамлашаётганимиз йўқ. Биз ўзимиз муҳтож бўлган нарсаларни ҳам бир-биримиз билан беғараз баҳам кўраяпмиз. Совет кишилари Совет ҳокимиятининг дастлабки, машақатли йилларидаёқ шундай иш тутиб, монгол халқини қўллаб-қувватлаган эдилар.

Монголиялик ўртоқлар ҳам шундай иш тутиб келдилар. Огир синов дамларида, Улуғ Ватан уруши йилларида халқимиз буни айниқса яхши ҳис қилди. Ибратли бир фактни айтиб ўтмоқчиман. 1943 йилда фашист босқинчиларга қарши шиддатли жанглар қизғин тус олган пайтда маршал Чойбалсан бошчилигидаги Монголия делегацияси фронтга келди. Делегация монгол меҳнаткашлари тўплаган маблағ ҳисобига қурилган танклар колоннасини Совет Армиясига топширди. Бундай иш унутилмайди, ўртоқлар.

Совет Иттифоқи билан Монголия Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатлар ҳозир бутун дунёнинг кўз ўнгида бир-бирининг муваффақиятларидан астойдил манфаатдорлик руҳи билан суғорилган социалистик типдаги муносабатларнинг намунаси тарзида намоён бўлиб турибди.

Тенг ҳуқуқли иттифоқчиликнинг мустаҳкам негизлари 1921 йили Ленин имзолаган шартномага мувофиқ яратилган эди. Биз ўзаро ёрдам тўғрисидаги 1936 йил протоколини, 1946 йилги иттифоқчилик шартномасини яхши сўз билан эсга оламиз. КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг топшириғига биноан, мен шу ерда, Улан-Баторда дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани 1966 йилда ўртоқ Цеденбал билан бирга имзолаш шарафига муяссар бўлдим, бу шартнома мамлакатларимизнинг кенг миқёсдаги хўжалик алоқаларига ҳам, социалистик Монголия чегараларининг дахлсизлигига ҳам, Осиёда тинчлик ва яхши қўшничилик манфаатларига ҳам мустаҳкам равишда хизмат қилмоқда.

Азиз ўртоқлар! Сизларга шуни айта оламанки, қардошларча Совет-Монгол ҳамкорлигини ривожлантириш масалаларига партиямиз Марказий Комитети Сиёсий бюроси билан Совет ҳукумати доимо ғоят зўр аҳамият бериб келмоқдалар. Социализм учун курашдаги энг биринчи сафдошимиз бўлган халқ Монголияси билан дўстлик — биз, совет кишилари учун шон-шараф ва интернационал бурч ишидир.

Биз сизлар билан бирга зўр мамнуният билан айта оламизки, СССР ва Монголия қардош халқларининг мустаҳкам алоқалари бой ва хилма-хилдир. Улар минг-минглаб катта ва кичик конкрет ишларда ўз ифодасини топган.

Иккала партиямиз мустаҳкам ўртоқлик ришталари билан боғланганлар. Янги турмуш қуриш тажрибасини ўртоқлашиш, мафкуравий ва партиявий-ташкилий иш масалаларида ҳамкорлик қилиш, халқаро майдондаги ҳаракатларни мувофиқлаштириб олиб бориш — шуларнинг ҳаммаси сиз билан биз учун кўпдан бери турмушнинг табиий нормаси бўлиб қолган. Касаба союзлари, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари ва бошқа оммавий ташкилотларнинг мунтазам алоқалари ва ҳамкорлиги натижасида мамлакатларимизнинг ўн мингларча меҳнаткашлари бир-бирлари билан доимо жонли мулоқотда бўлиб турибдилар, шу тариқа дўстлигимизнинг энг чуқур илдизларини мустаҳкамламоқдалар.

Жамоат ташкилотлари тўғрисида гапирганда, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда муҳим роль ўйнаётган бир жамиятни эсламай ўта олмайман. Бу ўринда Монголия — Совет дўстлиги жамиятини назарда тутаман. Ўртоқлар, сизларга шуни хурсандчилик билан маълум қиламанки, Монголия Халқ Республикаси билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришдаги катта хизматлари учун СССР Олий Совети Президиуми бу жамиятни Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлади.

Бу мукофот — Монголия Халқ Республикасининг мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги қардошларча ҳамкорлик тобора чуқур ва хилма-хил тус ола беришига кўмаклашаётган барча гражданларига ҳурмат ва эҳтиромимизнинг тимсолидир. Монголия — Совет дўстлиги жамиятининг раҳбарлари ва активлари бўлган ўртоқлар, самимий қутловларимизни қабул этгайсизлар!

Биз иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга ғоят муҳим аҳамият бераяпмиз, албатта. Бу алоқалар тобора активроқ ривожланмоқда. Бу ерда ўртоқ Цеденбал шу ҳақда ғоят яққол ва равшан гапириб берди. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар оборoти ҳажми муттасил ўсмоқда. Энди биз сизлардан чорвачилигингизнинг одатдаги маҳсулоти — гўшт, жун ва бошқаларнигина эмас, шу билан бирга янги саноат корхоналарингизнинг маҳсулотларини ва қимматли минералларнинг айрим турларини ҳам олаяпмиз. Ўз навбатида биз ҳам сизларнинг саноат ускуналарига, қишлоқ хўжалик машиналарига, автомобилларга, оммавий истеъмол молларига бўлган эҳтиёжингизни имкони борича тўлиқроқ қондиришга интилаяпмиз. Совет Иттифоқи Монголияга қўриқ ерларни ўзлаштиришда, катта-катта чорвачилик хўжаликлари, замонавий фабрика ва заводлар, янги уй-жой районларини қурилишида кўмак бермоқда.

Партиямиз ва бутун совет халқимиз шунга асосланиб иш тутмоқдаларки, Совет Иттифоқи қардош Монголиянинг иқтисодий ривожланишига бераётган мадад сизларга Монголия халқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва меҳнаткашлар фаровонлигини янада ошириш соҳасида мамлакатингиз олдида турган вазифаларни муваффақиятлироқ ҳал этишга ёрдам беради.

Бу ерда ўртоқ Цеденбал эслатиб ўтганидек Сизларнинг инженер ва техникларингиз билан бирга МХРда совет мутахассисларининг катта бир группаси меҳнат қилмоқда. Монголиялик ўртоқларнинг фикрига қараганда, улар зўр ғайрат билан виждонан ишламоқдалар. Қулай фурсат келганидан фойдаланиб, МХР ҳукуматининг илтимосига биноан, қардош Монголияда ишлаётган ватандошларимга партиямиз уларга ишониб топширган интернационал вазифани бундан бўён ҳам шараф билан бажаришларини тилайман.

Ўртоқ Цеденбал ўз докладида мамлакатларимиз ишлаб чиқаришни кооперациялаш проблемасига ва уларни иқтисодий жиҳатдан янада яқинлаштиришга эътибор берди. Дарҳақиқат бу катта ва зарур ишдир. Бир маромда ишлаш иккала томонга наф келтириши шубҳасиз.

Мамлакатингизнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги фаолияти, унинг социалистик иқтисодий интеграция комплекс программасидаги иштироки тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Дадил айтиш мумкинки, қардош мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишнинг янги формалари Монголия Халқ Республикасига ўзининг ички ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланишда, экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришда янги марраларга эришишда ёрдам беради.

Ўртоқлар! Совет коммунистлари ҳам, монгол коммунистлари ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш асосида меҳнаткашларнинг фаровонлигини юксалтиришни ўзларининг энг муҳим вазифалари деб биладилар. Бизнинг XXIV съездимиз қарорлари шу мақсадни кўзлайди, сизнинг XVI съездингиз қарорлари ҳам шу йўлдан бормоқда.

Азиз дўстлар, биз сизларга белгилаган ҳамма режаларингизни рўёбга чиқаришингизни чин кўнгилдан тилаймиз!

Ўртоқлар! Бизнинг халқимиз қилаётган ишларни сизлар жуда яхши биласизлар. Сизларнинг матбуотингиз, радио, телевидениенгиз Совет Иттифоқи турмушининг ҳамма соҳаларини дўстларча кенг ва холисона ёритиб турибди. Шу боисдан ҳам бу мавзуда батафсил гапириб ўтиришимга зарурат йўқ. Фақат шуни айтиб ўтмоқчиманки, биздаги ишларнинг ҳажми буюк ва хилма-хилдир, совет кишилари эса шу беш йиллик планни муносиб равишда тўла-тўкис бажариш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Совет халқи яқдил, у ўз Коммунистик партияси теварагида маҳкам жипслашган, Партия Марказий Комитетининг даъватига жавобан, шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашлари меҳнатда янгидан-янги ташаббусларни бошламоқдалар. Бутун мамлакатда оммавий социалистик мусобақа авж олмоқда. Балтикадан Тинч океангача Советлар мамлакатининг бутун беқиёс ерларида Совет кишиларининг қизғин жўшқин меҳнати қайнамоқда.

Партиямиз билан халқимиз коммунистик қурилишнинг буюк иши учун ўз зиммаларидаги улкан масъулиятни англайдилар. Шунга амин бўлаберингларки, ўртоқлар, Улуғ Октябрь социалистик революциясини амалга оширишдан кўзланган, партиямиз эришиш учун курашаётган, бутун совет халқи ўз ҳаёти ва меҳнатининг маъноси деб билаётган юксак идеалларни амалга ошириш учун совет кишилари кучларини аямайдилар!

Ҳурматли ўртоқлар, энди халқаро ишларга қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсизлар. Бизнинг яқин қўшниларимиз, дўстларимиз ва иттифоқчиларимиз бўлган сизлар Совет Иттифоқи тинчликсевар ленинча ташқи сиёсатининг принципларига, мақсадлари ва бош йўналишларини яхши биласизлар. Бу принциплар, мақсадлар ва бош йўналишлар партиямиз XXIV съезди қарорларида, Совет давлатининг расмий ҳужжатларида, совет раҳбарларининг нутқларида ғоят тўлиқ баён этиб берилган.

Бизнинг ташқи сиёсатимиз — тинчлик ва ҳавфсизлик учун, империалистик агрессия ва зўравонликнинг ҳамма турларига қарши, халқларнинг ҳуқуқларини камситишга қарши, халқаро муносабатларни адолатли, демократик принциплар негизида қайта қуриш учун қунт билан кураш олиб боришдан иборат.

Зотан биз шунга астойдил хурсандмизки, азиз ўртоқлар, бу олижаноб курашда халқ Монголияси бизнинг мамлакатимиз билан, барча қардош социалистик давлатлар билан ҳамнафас бўлиб бормоқда. Монголия Халқ Республикаси қардош мамлакатларнинг келишиб олинган ташқи сиёсат йўлини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга муносиб ҳисса қўшаётганлигини биз миннатдорчилик билан қайд қиламиз. Ҳозир уйинг овози халқаро майдонда салмоқли ва обрўли янграмоқда, чунки бу — тинчлик ва адолат овозидир.

Ўртоқлар, бу ерда мен Осиё қитъаси мамлакатларининг ҳаёти, ишлари, манфаатлари ва тақдирлари билан мингларча ришталар орқали боғланган давлатлар бўлмиш СССР ва Монголия Халқ Республикасининг эътиборини ўзига тортаётган бир масала устида тўхталиб ўтмоқчиман.

Осиё қитъасида мустаҳкам тинчлик ва яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатишнинг ишончли, тўғри йўли қайси? — деган масала Осиёдаги алоҳида ҳар бир мамлакатнинг ва умуман барча мамлакатларнинг манфаатларига даҳлдордир.

Империалистларнинг халқларни бир-биридан айириш ва бир-бирига гиж-гижлашдан иборат сиёсати гарчи ўзининг ташқи формаларини ўзгартираётган бўлсада, ҳамон давом этиб келмоқда. Мустамлакачиларнинг ўтмишдаги хўжайинлиги Осиё қитъасининг айрим жойларида миллий ва диний адоват, ишончсизлик ва ўзаро гумонсираш сақитларини сақлаб қолган.

«Мурда тирик кишининг этагига ёпишади» деган қадимий мақолда айтилганидек, ўтмишнинг ана шу разил сақитлари ҳам Осиёдаги айрим давлатлар ўртасида муносабатларни нормал, соғлом ривожлантиришга ҳалақит бермоқда.

Аммо бу гаплар — Осиё мамлакатларининг муштарак манфаатлари йўқ, Осиё халқлари ўзаро умумий тил топа олмайдиллар, деган маънони асло билдирмайди. Аксинча, ўртоқлар, биз шунга аминмизки, Осиё халқлари тинчлик ва яхши қўшничилик қонунларига мувофиқ яшайдиган вақт келади!

Биргаликда сарфланадиган куч-ғайратлар асосида Осиёда тинчлик ва хавфсизликка эришиш ғояси — янги ғоя эмас. Осиё давлатлари ўз тарихий тажрибасига асосланиб халқлар ўртасидаги тинч, соғлом муносабатларни йўлга қўйишда таянган мумкин бўлган муносабатларнинг принципларидан ва нормаларини шу дамгача неча марталаб ўртага қўйганлар.

Эллигинчи йилларда Ҳиндистон, Хитой Халқ Республикаси ва Осиёдаги бир қанча бошқа мамлакатларнинг ҳукуматлари тинч-тотув яшаш принципларига содиқ эканликларини расмий равишда билдирган эдилар. 1955 йилги тарихий Бандунг конференциясида қабул қилинган 10 принципнинг моҳияти Осиё билан Африкани тинчлик ва ҳамкорлик қитъаларига айлантиришдан иборат бўлди. Кейинги йилларда блокларга қўшилмаслик снёсатини ўтказаётган мамлакатлар, жумладан ўзларининг Жазоирдаги тўртинчи конференциясида Осиёда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган муҳим ташаббуслар билан майдонга чиқдилар. Худди шу руҳдаги бошқа бир қанча конструктив таклифларни ҳам эслатиб ўтиш мумкин.

Шу тариқа коллектив куч-ғайрат сарфлаб, Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлаш ғояси — кўпгина давлатлар сиёсий тажрибаси ва изланишларининг самарасидир. Бу ғоя рўёбга чиқмоғи учун кўп давлатларнинг қунт билан, изчил амалий қадамлар қўйиши, кўпгина фикрлар ва позицияларни синчиклаб ҳисобга олиш зарур.

Ўнлаб ирмоқлар, юзлаб жилғалар ва сойлар қўшилиб, азм дарёлар ҳосил бўлганидек, халқаро снёсатда ҳам ҳақиқатан катта иш кўпинча ягона қудратли оқимга қўшиладиган кўпдан-кўп интилишларнинг, кўпгина катта ва кичик ташаббусларнинг натижаси бўлади. Осиёда мустаҳкам тинчлик йўлидаги энг етук ва зарур вазифаларнинг бири — ҳамон ловуллаб турган ёки бурқсиётган уруш ўчоқларини батамом йўқ қилиб ташлашдан, қитъанинг бир қанча районларидаги потенциал уруш хавфини тугатишдан иборат, албатта. Шу боисдан ҳам Совет Иттифоқи Вьетнамга доир Париж битими изчиллик билан амалга оширилишини, Камбоджадаги уруш шу мамлакатдаги ватанпарвар кучларнинг эзгу орзу-умидларига мувофиқ тўхтатилишини, Жанубий Кореядаги чет эл қўшинлари олиб чиқиб кетилишини қунт билан талаб қилмоқда ва ҲХДРнинг Кореяни тинч, демократик асосда бирлаштиришга қаратилган программасини қўллаб-қувватламоқда.

Худди шу сабабга биноан биз Жанубий Осиёдаги вазиятни янада нормаллаштириш ва бу ерда чинакам яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш манфаатларини кўзлаб, Ҳиндистон, Покистон ва Бангладеш Республикаси сарфлаётган конструктив куч-ғайратларни тўла равишда тушуниб, мақуллламоқдамиз. Бинобарин, биз шуни миннатдорчилик билан қайд этамизки, ўртоқлар, бошқа кўпгина масалаларда бўлгани каби, бу масалаларнинг ҳаммасида ҳам Совет Иттифоқи билан Монголия Халқ Республикаси яқдил бўлиб, чин дўстлар ва қардошларча муносиб равишда бир йўлдан бормоқдалар!

Яқин Шарқдаги можарони бартараф этиш, бу муҳим районда мустаҳкам ва адолатли тинчлик ўрнатиш каби жуда етилган вазифа, шубҳасиз, Осиё мамлакатларининг хавфсизлигини таъминлашга бевосита алоқадордир.

Ҳолбуки, Яқин Шарқдаги аҳвол яхшиланиш бир ёқда турсин, аксинча, тобора кўпроқ портлаш хавфини вужудга келтириб бормоқда. Ташқаридан бўлаётган ошкора қўллаб-қувватлаш натижасида можарони тинч бартараф этиш ишини тўғридан-тўғри барбод этаётган Исроилнинг разилова, игвогарлик снёсати бунга сабаб бўлмоқда. Совет Иттифоқининг нуқтаи назари яхши маълум: 1967 йилда босиб олинган ҳамма араб ерларини батамом озод қилиш, фаластинлик араб халқининг ўз давлатини тузишга, ўз тақдирини ўзи белгилашга бўлган қонуний ҳуқуқини юзага чиқариш, шунингдек эндиликда можаро гирдобига тортилган ҳамма давлатларнинг хавфсизлиги ва мустақиллигини обрўли равишда пухта гарантиялаб бериш — Яқин Шарқда мустаҳкам тинчликка эришишнинг бирдан-бир ишончли йўлидир.

Шуларнинг ҳаммасига БМТ қарорларига мувофиқ ана шу мақсадда махсус чақирилган Женева сулҳ конференцияси доирасида эришиш мумкин ва лозим. Биз дўст араб давлатлари билан биргаликда бу конференция ишини тезроқ қайта бошлашни талаб қилиб келдик ва талаб қила берамиз. Биз араб мамлакатлари раҳбарларининг яқинда Работда бўлиб ўтган конференцияси қарорларини ғоят конструктив ҳамда араблар дунёсининг бирлигини ва фаластинлик араблларнинг позициясини мустаҳкамлайдиган қарорлар деб ҳисоблаймиз.

Бунга даҳлдор бўлган ҳамма кишиларга шуни яна бир карра мутлақо равшан қилиб айтамизки, Совет Иттифоқи Яқин Шарқдаги можарони мустаҳкам равишда одилона тезроқ тинч бартараф қилишдан ғоят манфаатдор бўлиб келди, ҳозир ҳам манфаатдор ва манфаатдор бўлаверади. Биз қардош социалистик мамлакатлар билан, араб дўстларимиз — Миср, Сурия, Ироқ билан, Фаластин озодлик ташкилотининг раҳбарлари билан, Жазоир, Яман Халқ Демократик Республикаси билан ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб, яқин тинчлик учун бениҳоя муҳим бўлган ана шу мақсадга эришишга ўз ҳиссасини қўшишни астойдил истаётганликларини билдираётган бошқа давлатлар билан ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб шу йўлда ҳаракат қила берамиз.

Осиёдаги давлатлар билан яхши, мустаҳкам икки томонлама муносабатлар ўрнатиш ва шу муносабатларни ривожлантириш — Осиёдаги хавфсизликни таъминлашнинг жуда муҳим элементидир. Зеро, биз соф виждон билан айта оламизки, бу ишга Совет Иттифоқи ҳам, Монголия Халқ Республикаси ҳам яхши ҳисса қўшмоқдалар.

Биз, СССРдагилар Осиё мамлакатлари билан: ВДР ва ҲХДР қардош социалистик давлатлари билан, Жанубий Вьетнам республикаси билан, буюк дўстимиз Ҳиндистон билан, Афғонистон, Бирма ва Шри Ланка билан, Бангладеш ва Покистон билан, Япония, Эрон ва Туркия билан ҳамда ер юзидаги энг улкан қитъанинг бошқа давлатлари билан ўртамизда вужудга келган яхши муносабатларни юксак қадрлаймиз. Биз шу муносабатларни ўзаро манфаатдорлик негизида ва ялпи тинчлик ишига наф келтирадиган тарзда ривожлантириш ва чуқурлаштиришга интилиб келдик ва интилаверамиз.

Шу нарса шубҳасизки, ўртоқлар, Осиё қитъасидаги ҳамма проблемаларни бирданига ҳал қилиб берадиган афсункор воситa йўқ. Аммо ўтмишдаги можаролар орқада қолгач, Осиё давлатлари ўртасидаги дўстона муносабатлар мустаҳкамлангач, бунёдкорлик мақсадларини кўзловчи икки томонлама, баъзан эса, кўп томонлама ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилгач, биз: Осиё қитъасидаги мустаҳкам тинчлик иморати қуриладиган элементлар шунинг ўзидир деб айтишга ҳақли бўламиз.

Ўз-ўзидан равшанки, агар бу ишда Хитой Халқ Республикаси каби Осиёдаги йирик давлат ҳам муносиб равишда қатнашса яхши бўлур эди. Афсуски, ўртоқлар, Пекиннинг ҳозирги снёсий йўли кескинликни юмшатиш тенденциясига зид бўлиб тушаётганлиги ўзларингизга яхши маълум.

Совет Иттифоқи ўз томонидан Совет — Хитой муносабатларининг нормал изга тушишига доимо интилиб келмоқда. Бизнинг йўлимиз, КПСС XXIV съездининг йўли ўзгармай қолаверади. Бошқа мамлакатларга нисбатан бўлгани каби, Хитойга нисбатан ҳам биз тенг ҳуқуқлилик, суверенитетни ва территориал бутунликни ҳурматлаш, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, куч ишлатмаслик принципларига қатъият билан амал қилаверамиз. Биз хитой халқи билан дўстлик ва ҳамкорликни қайта тиклашга тайёрмиз, совет кишилари Хитой халқига ҳамиша самимий ҳурмат билан қараб келганлар ва ҳозир ҳам ҳурмат билан қарайдилар.

Бир қарашда Хитой Халқ Республикасининг раҳбарлари гўё Совет Иттифоқи билан муносабатларни нормаллаштиришни ёқлаб чиқаётгандек бўлиб кўринадилар. Аммо иллат шундаки, уларнинг сўзлари ишларидан мутлақо бошқача бўлиб чиқмоқда.

Аслида Пекин дастлабки шарт тариқасида бор-йўғи бизнинг территориямиздаги бир қанча участкалардан Совет чегара соқчиларини олиб чиқиб кетиш талабини қўймоқда, энди Хитой раҳбарлари шу территорияларни даъво қилишга қарор бериб, шу сабабли уларни «баҳсли районлар» деб атай бошладилар. Эндиликда Пекин ўзининг «баҳсли районлар» деб аталган районларга тааллуқли талаби қондирилгандан кейингина чегара масалалари ҳусусида музокаралар олиб боришга рози эканлигини ошкора айтмоқда.

Бундай позиция мутлақо номақбул эканлиги жуда равшан, ўртоқлар, шу сабабли биз уни рад этамиз.

Совет Иттифоқига келганда, биз Хитой билан муносабатларни нормаллаштириш учун олдиндан ҳеч қандай шарт қўймаймиз, қўндан бери Хитой томонига ниҳоят, амалий ва конкрет музокараларга ўтишни таклиф қилаяпмиз. Биз ҳеч қандай ўзга территорияларни даъво қилаётганимиз йўқ, шу маънода биз учун ҳеч қандай «баҳсли районлар» йўқ. Маълумки, биз ХХР билан ҳужум қилмаслик тўғрисида, бир-биримизга қарши қурол-яроғнинг ҳар қандай туридан, жумладан, оддий, ракета ва ядро қуролидан фойдаланиб, қуролли куч ишлатмаслик тўғрисида шартнома тузишни таклиф қилдик.

Хитой Халқ Республикаси билан муносабатларнинг актуал масалалари ҳусусидаги позициямизни ана шундай. Биз соғлом ақл-идрок ва давлатларнинг ўз манфаатлари, шу жумладан ХХРнинг ўз манфаатлари ҳам устун бўлиб чиқади ва иккала мамлакатимиз ўртасидаги муносабатларни ҳақиқатан ҳам нормаллаштириш иши ниҳоят олға қадам босади, деган умидни тарк этаётганимиз йўқ.

Ўртоқлар! Халқаро кескинлик юмшай бошлаган шароитда халқларнинг уруш хавфини тугатишга, ҳақиқий мустаҳкам тинчлик ва самарали ҳамкорликка интилиши тобора равшанроқ ва кенгроқ намоён бўлмоқда. Бу йўлдан олға бориш учун ўз табиатига кўра агрессив бўлган ёки қолоқ фикрлашга ўрганиб қолган доираларнинг қаршилигини бартараф этиш учун қунт билан сиёсий кураш олиб бориш керак бўлади. Бироқ, кўпгина тўсиқларга қарамай, кескинликни юмшатишга ва тинчликка бўлган қудратли тенденция барибир ўзига йўл очиб бормоқда.

Мутлақо равшан сабабларга кўра, шу муносабат билан СССР ва АҚШ каби икки йирик давлат ўртасидаги муносабатларнинг ҳолати катта роль ўйнайди. Биз КПСС XXIV съезди тасдиқлаган Тинчлик программасини амалга ошира бориб, кейинги йилларда Совет — Америка муносабатларида — кескинликни юмшатиш, турли соҳалардаги ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш сари катта ўзгаришлар бўлишига эришдик. Бу нарса ҳозирнинг ўзидаёқ умуман халқаро иқлимни соғломлаштириш ишига шак-шубҳасиз фойда келтирди.

Ўзларингизга маълумки, яқинда Владивосток районида АҚШ Президенти Форд билан бизнинг биринчи учрашувимиз бўлди. Яхши, конструктив руҳда ўтган шу учрашув давомида кейинги йилларда Совет — Америка муносабатларида бошланган яхшиланиш йўли яна тасдиқланди ва ривожлантирилди. Биз иккала мамлакатнинг ташқи ишлар министрлари билан биргаликда Совет — Америка муносабатларининг, шу муносабатларни яна-да мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг принципиал масалаларини президент билан муҳокама қилиш имкониятига эга бўлдик. Шу билан бирга, бу муносабатларнинг ривожи инсониятни янги жаҳон уруши хавфидан халос қилиш, ялпи тинчликни мустаҳкамлашдан иборат тарихий вазифани ҳал этишга тобора кўпроқ ва тобора самаралироқ хизмат қилишини кўзлаб ҳаракат қила беришга аҳд қилганлигимизни мутлақо равшан қилиб таъкидлаб ўтдик.

Шу сабабли, музокараларда ҳар икки мамлакат ракета-ядро қуролларини чеклаш, сўнгра эса қисқартиришнинг янги ўзаро мақбул имкониятларини излаб топиш катта ўрин олганлиги табиий. Дадил айтиш мумкинки, ўртоқлар, Владивосток учрашуви вақтида бу жиҳатдан олға томон катта қадам қўйилди.

Биз Совет Иттифоқи ва Қўшма Штатлар халқларинигина эмас, бутун инсониятнинг ҳам тинчлиги ва осойишталиги учун ғоят муҳим бўлган шу масалага доир битим устидаги иш яқин ойлар мобайнида тугалланади, деб президент Форд билан аҳдлашиб олдик.

Шу гаплардан равшанки, олий даражадаги янги Совет — Америка учрашувининг натижалари аслида бутун дунёда кенг равишда маъқуллаб кутиб олинди. Биз буни зўр мамнуният билан қайд қиламиз, чунки биз бу мақуллашни бизнинг партиямиз билан Совет давлатимиз ўтказаётган тинчлик ва халқаро ҳамкорлик снёсати умумхалқ томонидан қудратли равишда қўллаб-қувватланаётганлигининг тимсоли деб биламиз.

Азиз дўстлар! Бугунги ажойиб байрам, монгол меҳнаткашлари билан, Монголия раҳбарлари билан бўлаётган бу учрашув бизнинг муносабатларимизда мустаҳкам равишда ҳукмронлик қилаётган дўстлик ва қардошликнинг самимий муҳитини ҳис этиш учун бизга яна бир марта имкон берди. Иззат-иқромингиз учун, партиямиз билан халқимиз шаънига айтган эзгу сўзларингиз учун сизларга катта раҳмат.

Менга кўрсатилган шараф, Монголия Халқ Республикасининг фахрий граждани унвони берилганлиги учун Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетига, Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ Хуралининг президиумига ва ҳукуматига астойдил миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсизлар. Раҳбар органларингизнинг бу қарорини мен аввало бизнинг ленинча партиямиз билан Совет давлатимиз Халқ Монголияси билан ҳамиша ўтказиб келган ва ўтказаётган д

Суратда: республика ўқитувчилари IV съезди делегатларидан бир группаси.

Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ).

Советлар мамлакатида

ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИНИНГ ГИГАНТИ

Украинада, Каменец-Подольск цемент заводида узунлиги 185 метрлик бешинчи айланма печь мураккаблиги равишда ишга туширилди. Янги печни ёқиш шарафи СССР Олий Советининг депутати М. Е. Столяр бошчилигидаги энг илғор қурилиш бригадасига топширилди. Йилига 600 минг тонна маҳсулот берадиган бу улкан агрегат муддатидан анча илгари ишлай бошлади.

Янги технология линияларини бунёд этиш давом этмоқда. Бунда бутун мамлакат қатнашмоқда.

Каменец-Подольск цемент заводи мамлакатимиздаги қурилиш индустриялари орасида энг улкан ҳисобланади. Унинг ҳозирги вақтдаги умумий қуввати беш йилликнинг сўнгги йилига мўлжалланган даражага етди. Бешинчи айланма печнинг ишга туширилиши ҳамда олтинчи агрегатнинг қуриб битказилиши натижасида бу улкан корхона ҳар йили 3 миллион 700 минг тонна юқори сифатли цемент берадиган бўлади. Бу эса мамлакатимизда қурилиш ишларини янада юксак суръат билан олиб боришга имконият яратади.

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Эстония қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари беш йилликнинг тўртинчи, белгиловчи йилида деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун ўтказилаётган Бутииттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, давлатга сабзавот сотиш юзасидан белгиланган халқ хўжалик планини муваффақиятли бажаришга эришдилар. Тайёрлов пунктларига 61 минг тонна сабзавот етказиб берилди. Бу эса халқ хўжалиги планида белгиланганидан анча кўпдир. Давлатга сабзавот маҳсулотлари сотиш давом этмоқда.

БИРИНЧИ ПОЕЗД

Тожикистон ССРнинг Қўрғонтепа шаҳрига халқ хўжалиги юклари ортилган биринчи состав етиб келди. Эндиликда Термиз—Қўрғонтепа—Явон темир йўли участкасида поездлар қатнови мунтазам бошланиб кетди. Шундай қилиб, Тожикистоннинг энг йирик аграр—саноат райони ҳисобланган Вахш водийсига пўлат магистрал етиб келди. Бу темир йўл участкаси жуда қисқа муддат ичида — Тожикистон Республикаси ва Компартиясининг 50 йиллик байрами арафасида ишга туширилди.

(ТАСС).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА. 18.20 — ТОШКЕНТ. 18.25 — Тележурнал. 18.55 — Миллионлар ленинча университети. 19.10 — **«Ахборот»**. 19.25 — Беш йиллик қурилишларида (Москва). 20.10 — Халқ контроли экрани. 20.40 — **«Ахборот»**. 21.00 — Мусиқа ва ҳаёт. 22.00 — **«Вақт»**. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.20 — МОСКВА. 19.05 — Янгиликлар. 19.15 — Мультфильм. 19.25 — ТОШКЕНТ. Халқ хизматида. 19.45 — Ҳужжатли кино экрани. 20.10 — МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ. Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.20 — **Марҳабо, талантлар.** Сирдарё область ҳаваскорларининг чиқиши. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатуви. 19.40 — Ўқитувчи экрани. 20.10 — Белгиловчи йил вахтасида 20.40 — Тошкент янгиликлари. 20.55 — **Кўм-кўк осмон** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27, 28/XI да **Жизель.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/XI да **Парвона**, 28/XI да **Самандар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/XI да **Ҳижрон**, 28/XI да **Жоним фидо.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 27, 28/XI да **Нон, қон, инсон** (10.00).

КИНО

Есения — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ҚОЗОҒИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Суиқасд — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қиёмат ҳаёт — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТУБЕРКУЛЁЗ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ташкилий-методика бўлими раҳбари (медицина фанлари доктори ёки қандидати);

бўлимларнинг катта илмий ходимлари: болалар, хирургия, оғир туберкулёз, диагностика, рентгенология, патоморфология, ташкилий-методика, медицина информацияси (медицина фанлари доктори ёки қандидати);

бўлимларнинг кичик илмий ходимлари: терапевтика, болалар, бронхология бўйича, радиология бўйича, ташкилий-методика (3 ўрин).

КОНКУРС МУДДАТИ — 20 ДЕКАБРГАЧА.

Мурожаат учун адрес: 700115, Тошкент шаҳри, ЧГСП, Маҳлисий кўчаси, 1-уй.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ БУТУНИТТИФОҚ ПАХТАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (СоюзНИХИ)

1975 йил учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ АСПИРАНТУРАГА **ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

кундузги ўқишга: биохимия, умумий деҳқончилик, мелиорация ва сувли ерлар деҳқончилиги, ўсимликшунослик;

сиртқи ўқишга: мелиорация ва сувли ерлар деҳқончилиги, тупроқшунослик, агрохимия, ўсимликшунослик, иқтисод, бошқаришни ташкил қилиш ва қишлоқ хўжалигини планлаштириш.

АРИЗАЛАР — 20 ДЕКАБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ҚИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ — 1—30 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: институт директори номига ёзилган ариза, кадрлар ҳисоби бўйича шахсий варақа (6x9 см катталикдаги фотосурат билан), таржимаи ҳоли, иш жойидан характеристика, олий ўқув юртини тугатганлиги тўғрисидаги дипломнинг нусхаси ва зачёт дафтарчасидан кўчирма (иш жойидан тасдиқланган), соғлиғи тўғрисидаги 286-формадаги медицина справкаси, илмий ишлар ёки танланган мутахассислиги бўйича реферат.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент область, «Оққовоқ» алоқа бўлими.

БАРКАМОЛ ГРАЖДАННИ ТАРБИЯЛАБ ЕТИШТИРАЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ IV СЪЕЗДИДАН

Ўзбекистон ўқитувчиларининг IV съезди Тошкентда икки кун давом этди. Диққатга сазовор бир факт: съезд ишида 1200 делегат иштирок этди. Бу эса октябрь революциясидан илгари ҳозирги Ўзбекистон территориясидаги жами ўқитувчилар сонидан икки баравар кўпдир.

Съезд умумий ўрта таълимга ўтиш юзасидан партия XXIV съезди белгилаган режаларни амалга ошириш соҳасида республика ўқитувчилари олиб борган ишларга якун ясади. Ҳал қилиш лозим бўлган бир қанча муҳим проблемаларни ўртага қўйди.

Гражданни, ҳар томонлама баркамол кишини тарбиялаб етиштириш — мактабнинг асосий мақсадидир. Кишини гармоник ривожлантириш учун адабиёт ва физика, математика ва физкультура, ашула ва станок олдида ишлаш зарур. Наманган областидаги Учқўрғон районидан рус тили ўқитувчиси К. И. Дмитриева, Тошкент музика педагогика билим юртининг директори С. Н. Камолова, Қашқадарё область ижроия комитети раисининг ўринбосари С. И. Ражабов, Андижон область халқ маорифи бўлимининг мудири Ғ. Болтабоев ва бошқа делегатлар съездда ана шу муҳим эканлиги тўғрисида, мактабда, шу фанларни, ўқитишни қандай қилиб яхшилаш ҳақида гапирдилар. Бу делегатлар республикадаги икки юз минг ўқитувчи номидан вакил қилинган кишилардир.

Гармоник ривожланган киши — маркса-ленинча дунёқараш соҳиби бўлган кишидир. Шундай кишини камол топтиришда меҳнат тарбияси катта роль ўйнайди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғофуржоновнинг, Хоразм область Янгиариқ районидаги Калинин номли мактаб директори А. Собировнинг, Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлими мудири Х. К. Йўлдошевнинг, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими Давлат комитети раиси П. Қ. Қаюмовнинг нутқлари бўлғуси гражданни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш масалаларига бағишланди.

Ҳозирги вақтда «ҳар бир ёш меҳнатчи ўрта маълумотли бўлсин» деган шиор остида Бутуниттифоқ кўриги ўтказилмоқда. Республикадаги кўпгина қишлоқ мактаблари ана шу кўрикка қўшилдилар. Оққўрғон район халқ маорифи бўлимининг мудири М. Р. Сафаров, Сурхондарё область партия комитетининг секретари Х. Холёров қишлоқ мактабларининг иши тўғрисида, шу мактаблар ни битирувчи ёшлар чуқур билим олишлари учун яна нималар қилиш кераклиги ҳақида гапирдилар.

Кўпгина делегатларнинг нутқларида ўқитувчиларнинг малакасини доимо ошириш, маркса дунёқараш асослари билан, фан ва маданият ютуқлари билан бойиб мустаҳкам зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Қардош республикаларнинг вакиллари Ўзбекистон ўқитувчилари шаънига кўпгина самимий сўзларни айтдилар. Делегацияларнинг раҳбарлари ўзбек ҳамкасбларига самимий истаклар билдирдилар. Болтиқ бўйи республикалари, Украина, Молдавия, Ўрта Осиё республикалари ва Закавказье республикаларининг педагоглари ана шу ўзбек ҳамкасбларининг тажрибасидан фойдаланмоқдалар.

Съездда СССР маориф министри М. А. Прокофьев нутқ сўзлади.

Съезд делегатлари республиканинг барча ўқитувчилари, халқ маорифи ходимлари ва жамоатчилигига қарата мурожаат қабул қилдилар.

Делегатлар КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига баланд руҳ билан мактуб қабул қилдилар. Съезд тугади. Эртага яна мактаб қўнғироғи жаранглайди. Ўқитувчи синфга киради. Леонид Ильич Брежнев айтганидек, янги кишини камол топтиришда буюк ҳисса қўшаётганлиги учун ўқитувчини халқ ва партия қадрлайдилар. (ЎзТАГ).

ФАРҒОНАДА ТАНТАНАЛИ МИТИНГ

ФАРҒОНА. [«Совет Ўзбекистони» мухбиридан]. Фарғона областининг меҳнатчилари республика ва унинг Компартиясининг олтин юбилейи йилини меҳнатда ажойиб муваффақиятлар билан нишонладилар: давлатга пахта сотиш юзасидан белгиланган халқ хўжалик плани ошириб бажарилди. Ана шу воқеа муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев, фарғоналиклларга табрикнома йўллади. Кеча область марказида шу табрикномага бағишланган кўп кишилик митинг бўлиб ўтди.

Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Шамсиддинов митингда нутқ сўзлаб бундай деди: Ватан беш йиллиннинг белгиловчи йилида Фарғона областидан 580 минг тонна «оқ олтин» олди. Бу эса халқ хўжалик планида кўзда тутилганидан 70 минг тонна кўпдир. Улкан хирмон учун курашга ўз ҳиссасини қўшган сахий Фарғонанинг барча меҳнаткашлари пахтакорлар билан бирга шу галаба билан фахрланадилар.

Фарғоналиклар, деди Ф. Шамсиддинов, қизғин қутлов учун КПСС Марказий Комитетига, шахсан Леонид Ильич Брежневга самимий миннатдорчилик изҳор этдилар. Улар партия ва ҳукуматнинг ғамхўрлигига жавобан меҳнатда янгидан-янги муваффақиятларга эришишга аҳди паймон қилишган.

Митингда Охунбобоев район партия комитетининг биринчи секретари Ғ. Пўлатов, Фарғона тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси В. И. Печеркина, Қува районидаги Димитров номли колхоз раиси А. Юнусов, Ленин районидаги Охунбобоев номли колхоз коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи А. Нишонов, Фрунзе районидаги Охунбобоев номли совхоз механик-ҳайдовчиси М. Умрзоков ва область меҳнаткашларининг бошқа вакиллари нутқ сўзладилар. Нотиқларнинг хаммаси Фарғона областининг меҳнатчилари социалистик мусобақа байроғини бундан буён ҳам баланд кўтариб, беш йиллиннинг якунловчи йили топшириғини муддатидан илгари бажариш учун бутун кучларини сарфлайдилар, деб ваъда бердилар.

Митинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ХАЛҚЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ МАНФААТЛАРИГА

МОС КЕЛУВЧИ ЙЎЛ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан АҚШ Президенти Ж. Форднинг Владивосток районидаги амалий учрашуви якунлари четэл матбуотининг диққат марказида турибди. Газеталар Совет — Америка кўшма ахборотини ва кўшма баёнотини, эиёфат чоғида Л. И. Брежнев билан Ж. Форд сўзлаган нутқларнинг текстларини, учрашувнинг турли пайтларини акс эттирган фотосуратларни яққол ўринларда босиб чиқармоқда. Мухбирларнинг Владивостокдан, Москвадан, Вашингтондан ва бошқа мамлакатларнинг пойтахтларидан юборган хабарларида, газеталарнинг шарҳларида юксак даврадаги Совет—Америка учрашувининг самарали характери, учрашув чоғида эришилган ижобий натижаларнинг муҳим халқаро аҳамияти таъкидланмоқда.

«Нью-Йорк Таймс» газетаси Қўшма Штатлар Л. И. Брежнев билан Ж. Форд ўртасида ўтказилган музокароларнинг якунларини табриклаётганлигини қайд этиб, стратегик ҳужум қуролларини янада чеклаш тўғрисидаги масала юзасидан берилган совет-америка қўшма ахборотини «1972 йилнинг 26 майида стратегик ҳужум қуролларини чеклаш соҳасидаги баъзи чоралар тўғрисида мувақкат битим имзоланганидан бери икки мамлакат муносабатларидаги энг муҳим воқеа» деб таърифламоқда.

«Стратегик қурол-яроғлар устидан назорат ўрнатиш тўғрисида катта битимга эришиш йўлида Ж. Форд билан Л. И. Брежнев анча прогрессга эришганликлари кутилганидан зиёда бўлиб чиқди. Бу эса Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга янги бир туртки бўлиши, шубҳасиз», деб таъкидлайди газета.

«Вашингтон пост» газетасининг фикрича, Владивостокдаги музокараларда «Олга томон ҳал қилувчи қадам ташланди, бу қадам қуролланиш пойгасини жиловлайди».

Болгария газеталари «икки томонлама муносабатларни ривож топтиришга қўшилган муҳим ҳисса» тўғрисида «ҳамма халқларнинг манфаатларини кўзловчи мулоқат» ҳақида ёзмоқда.

Варшаванинг газеталари музокаларнинг асосий моҳиятини иккала мамлакат ва ялпи тинчлик манфаатларини кўзлаб «конструктив ва фойдали музокаралар», «кескинликни юмшатиш мустаҳкамланмоқда» деб таърифламоқда. КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг АҚШ Президенти билан учрашуви, деб ёзади Польшанинг «Трибуна люду» газетаси, Совет — Америка муносабатларини янада яхшилаш ишига муҳим ҳисса қўшди. Бу учрашув кескинлик юмшашини тезлаштиришга ва ялпи тинчликни мустаҳкамлашга жиддий ижобий таъсир кўрсатади.

Тинч-тотув яшаш ва ҳамжиҳатлик асосида Совет-Америка муносабатларини қайта қуриш жараёни янгидан-янги конструктив натижалар беришда давом этмоқда, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан АҚШ Президенти Ж. Форд учрашуви шуни яққол кўрсатди, деб ёзади ЧКП Марказий Комитетининг органи «Руде право».

«СССР ва АҚШ кескинликни юмшатиш йўлини тасдиқламоқдалар. Ялпи тинчлик манфаатлари йўлида фойдали иш қилинди. Владивостокдаги учрашув самарали бўлди», — деб таъкидлайди Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг органи «Нойес Дойчланд» газетаси.

Кубанинг «Хувентуд ребельде» газетаси, икки мамлакат раҳбарлари Совет — Америка муносабатларини яхши ривожлантириш жараёни СССР билан АҚШ манфаатлари ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида муқаррар бўлиб қолмоғи учун мумкин бўлган ҳамма ишларни қилишга маҳкам бел боғлаганликларини билдирдилар, деб таъкидлайди.

Швецияда чиқадиган газеталар ҳам совет—америка учрашуви муваффақиятли ўтганлиги ва унда эришилган натижалар салмоқли бўлганлигини таъкидламоқда. «Стратегик қурол-яроғларни чеклаш тўғрисидаги масала юзасидан берилган баёнот ва Владивостокдаги бутун вазият Л. И. Брежнев билан Ж. Форд ўртасида юксак даврадаги биринчи учрашув ғоятда муваффақиятли ўтганлигини кўрсатади», — деб ёзади «Свенска дагбладет» газетаси.

«Форд ва Брежнев, — деб ёзади Англиянинг «Дейли телеграф» газетаси, — стратегик ҳужум қуролларини чеклаш планини ишлаб чиқишга принципиал розилик билдириб халқларга яхши умид бахш этдилар. Совет — Америка баёнотининг қатъийлиги кишиларни таъсирлантирмоқда ва ҳатто ҳайратда қолдирмоқда».

«Дейли мейл» газетаси музокаралардаги келишувни «шов-шув кўтарувчи» воқеа деб атади ва «дунё келажакдан умид қила олиши мумкин» деб таъкидлади.

СССР билан АҚШ ўртасида жуда катта аҳамиятга молик битимга эришилди, деб ёзади Франциянинг «Юманите» газетаси. Бу битимлар «термо ядро можороси чиқиш хавфини янада камайтиришга ёрдам берганлигидан бутун дунё учун, айниқса Европа қитъаси учун ҳаётий муҳим чорз ҳисобланади». «Владивостокдаги учрашув стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги музокаралар хусусидаги келишув сақланиб қолаётган можороларни, шу жумладан Яқин Шарқдаги ва Кипрдаги можороларни бартараф этиш учун қарорлар излаш борасида, шунингдек Женева ва Венада олиб борилаётган жуда муҳим музокараларни яна бошлаш юзасидан аввалгиларга нисбатан анча конкрет бир қанча мажбуриятлар олиш билан бирга кўшиб олиб борилганлиги жиҳатидан ҳам янада каттароқ аҳамиятга эга бўлади», — деб таъкидлайди Франция Компартияси Марказий Комитетининг органи. Юксак даврадаги учрашув икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга, шунингдек ана шу икки мамлакат билан бошқа давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга, шубҳасиз ғоят ижобий таъсир кўрсатади.

Ғарбий Германия матбуоти: учрашув якунлари тўғрисида «Нойе Рейн-цайтунг» газетаси — «АҚШ билан СССР ракета қурол-яроғлари чекланмоғи керак, деган бир хулосага келдилар», «Владивостокда ўтказилган юксак даврадаги учрашув муваффақиятга эришди» деган сарлавҳалар остида «Зюддойче цайтунг» «Форд ва Брежнев атом ҳужуми потенциалини чеклаш тўғрисида келишмокдалар», «Весфелише рундшау» газетаси эса «АҚШ ва СССР ракета билан қуролланиш пойгасини чеклаш тарафдоридирлар» деган йирик сарлавҳалар билан хабарлар эълон қилди.

Владивостокдаги учрашув деб ёзади Японияннг «Иомиури» газетаси, — икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда кескинликни юмшатиш йўлини давом эттиришга аҳд қилганликлари ва қизғин интилаётганликларини яна бир бор тасдиқлади, мана шу йўлдан олга борилаётганлигини нишонлади. Бўлиб ўтган музокаралар натижасида Америка — Совет муносабатлари учун стратегик қурол-яроғларни чеклаш хусусидаги музокараларни давом эттириш тўғрисида аҳамияти ғоят катта келишувдан иборат мустаҳкам база яратилди».

(ТАСС, 26 ноябрь).

РУМИНИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XI СЪЕЗДИДА

БУХАРЕСТ. 25 ноябрь. (ТАСС). Бугун бу ердаги республика саройининг катта залида Руминия Коммунистик партиясининг XI съезди иш бошлади. Съездда 2450 делегат, кўпгина меҳмонлар қатнашмоқдалар.

Съездга коммунистик ва ишчи партияларнинг, социалистик партияларнинг, тараққийпарвар ҳаракатлар ва озодлик ҳаракатларининг делегациялари келди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг делегацияси съездда ҳозир бўлди.

Съездни РКП Бош секретари Н. Чаушеску очди.

Съезднинг ишчи органлари сайланди. Кун тартиби тасдиқланди.

Делегатлар РКП Марказий Комитетининг партия X ва XI съездлари ўртасида ўтган даврдаги фаолиятини, РКП программаси лойиҳасини ва съезднинг 1976 — 1980 йилларга мўлжалланган беш йиллик планга ҳамда республикани 1990 йилгача ривожлантиришнинг бош йўналишларига доир директивалари лойиҳасини муҳокама қиладилар. Съездда РКП уставига ўзгартишлар ҳам киритилади. Партиянинг янги раҳбар органлари сайланади.

Биринчи масала юзасидан Н. Чаушеску РКП Марказий Комитети номидан доклад қилди.

* * *

БУХАРЕСТ. 26 ноябрь. (ТАСС). Партия XI съезди беш йиллик планни муддатидан илгари бажаришда ажойиб натижаларга эришилаётган, бутун халқнинг руҳи баланд ва меҳнат ғайрати жўш урган бир вақтда ўтмоқда. Руминия коммунистик партиясининг Бош секретари Н. Чаушеску РКПнинг XI съездида қилган докладида шундай деб айтди. Бу план, деди у, Руминия экономикасини жадал ривожлантиришда муҳим ўринни эгаллайди. Беш йил ичида 2.400 дан ортиқ янги саноат объектлари ишга туширилади, асосий фондлар ҳажми 420 миллиард лейга кўпаяди, бу эса дастлабки уч беш йиллик даврдаги бутун ўсишга қараганда 2,5 баравар кўп. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам каттагина ютуқларга эришилади. Ҳозир қишлоқ хўжалигида урушдан илгариги даврга қараганда икки баравар кўп маҳсулот етиштирилмоқда.

Н. Чаушеску халқаро аҳволни анализ қилиб, бундай деди: жаҳонда кучлар нисбатининг социал тараққиёт фойдасига, яхши ва янада адолатли дунё учун курашувчи кучлар фойдасига ўзгариши революцион жараёни, «Совуқ уруш» сиёсатидан ҳамкорлик сиёсатига ўтиш жараёни тезлашмоқда. Бу соҳада, деб таъкидлади РКП Бош секретари: социалистик мамлакатларнинг, халқаро ҳаётда муҳим роль ўйнаётган Совет Иттифоқининг хизмати катта.

Бизнинг мамлакатимиз, деди докладчи, кескинликни юмшатиш йўлини амалга ошириш учун курашиб, барча социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришни доимо биринчи вазифа қилиб қўймоқда. Шу давр мобайнида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида СССР билан ва бошқа қардош мамлакатлар билан янгидан шартномалар тузилди.

Мен Руминиянинг ташқи савдо оборотида биринчи ўринда турувчи СССР билан муносабатларимиз ривожланганлигини яна бир марта зўр мамнуният билан таъкидлаб ўтишни истайман, деди Н. Чаушеску, биз КПСС билан, Совет Иттифоқи билан муносабатларни ривожлантиришга бундан кейин ҳам зўр катъият билан кўмаклашишга РКП, РСР қатъий аҳд қилганлигини, буни иккала партия ва мамлакат халқларининг манфаатларига, социализм, бутун дунёда тинчлик ишига мувофиқ деб ҳисоблаётганлигимизни шу съездда таъкидлаб ўтишни истаймиз.

Н. Чаушеску Варшава Шартномасида қатнашувчи социалистик мамлакатлар ўртасида, шу давлатларнинг армиялари ўртасида ҳозирги халқаро аҳвол шароитида ҳамкорликни ривожлантириш муҳим эканлигини ўқдириб ўтди.

Руминия, деб сўзини давом эттирди РКП Бош секретари, Европа қитъасида янги муносабатлар ўрнатилишига алоҳида эътибор бермоқда. Биз, Умумэвропа кенгашининг икки босқичи ижобий натижалар берди, деб ҳисоблаймиз. Руминия шу кенгашнинг учинчи босқичини энг юксак даражада ўтказиш тарафдоридир.

Шундан кейин докладчи 1976 — 1980 йилги беш йиллик план бўйича съезд директиваларига ва 1981 — 1990 йиллар мобайнида социал-иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишларига батафсил тўхталиб ўтди. Янги беш йиллиннинг асосий вазифаси, деди у, халқ хўжалигининг моддий-техника базасини, бутун жамиятни янада тез ривожлантиришдан иборат бўлади.

РКП Бош секретари мамлакатнинг ривожи бошқа давлатлар билан иқтисодий алоқаларни кенгайтиришни, ишлаб чиқаришни кенг миқёсда кооперативлашни талаб қилади, деб таъкидлади. Руминия барча социалистик мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришни биринчи вазифа қилиб қўяди. Ташқи савдонинг энг асосий қисми бундан кейин ҳам социалистик мамлакатлар ҳиссасига тушади.

Докладчи съезд делегатлари муҳокамасига тақдим этилган Руминия Коммунистик партияси биринчи программасининг лойиҳасига батафсил тўхталиб ўтди. Партиянинг программасини, деди у, румин халқининг коммунистик тараққиёт порлоқ чўққиларига эришиш программаси деб ҳақли равишда айтиш мумкин.

Кеча кечқурунги мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Руминия Коммунистик партияси XI съездига табрикномасини топширди. Делегатлар ва меҳмонлар ўртоқ А. П. Кириленкони ўринларидан туриб, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Шундан кейин коммунистик ва ишчи партиялар, социалистик партиялар, бошқа мамлакатлардаги прогрессив ва озодлик ҳаракатлари делегацияларининг бошлиқлари ўз партиялари ва ташкилотлари номидан РКП XI съездига табрикномалар ва мактубларни топширдилар.

РКП съезди ўз ишини давом эттирмоқда.

ВИЗИТ БИЛАН СУРИЯГА КЕЛДИ

ДАМАШҚ, 26 ноябрь. (ТАСС). Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри Солижон Мамарасулов визит билан бу ерга келди.

Ў Сурия Араб Республикасида бўлган чоғида совет ташкилотлари Фрот дарёси ҳавзаси районида амалга ошираётган бир қанча ирригация лойиҳаларининг бажарилиши тўғрисида Сурия томони билан музокаралар олиб боради.

ЧЕТ ЭЛЛИК КООПЕРАТОРЛАР ЖЎНАБ КЕТДИЛАР

Европа, Африка, Латин Америкаси мамлакатлари марказий кооператив ташкилотлари раҳбарларининг катта бир группаси Ўзбекистон қишлоқ маҳсулот жамиятларининг фаолияти билан уч кун танишди. 26 ноябрда чет эллик кооператорлар Тошкентдан Москвага жўнаб кетдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ишлар мудирлиги, партия бюроси, маҳаллий комитети узоқ давом этган касаллигидан сўнг қўрилиш ва биноқорлик материаллари саноати бўлимининг катта референти

Расул ПУЛАТОВнинг

вафот этганлигини маълум қилиб, марҳумнинг оиласига чуқур таъзия билдирадилар.

Деҳқон бўлсанг шудгор қил!

Республика областларида 1975 йил ҳосили учун шудгорнинг борши тўғрисида, шу йил 26 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — шудгор қилинган майдон (минг гектар ҳисобида), учинчи стун — планга нисбатан процент ҳисобида.

ХОРАЗМ	11,8	118,0
Тошкент	201,4	92,4
Андижон	137,7	78,7
Жиззах	112,6	77,6
Сирдарё	120,8	74,1
ҚҚ АССР	33,2	59,3
Самарқанд	115,3	50,1
Бухоро	61,8	33,3
Фарғона	43,7	30,8
Наманган	41,7	30,0
Қашқадарё	32,3	19,7
Сурхондарё	18,8	12,6
Республика бўйича:	931,1	52,4

Редактор М. КОРИЕВ.

Р. 02934. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 277.